АСОСИЙ ТУРДАГИ ИЖТИМОИЙ ТОВАРЛАР НАРХЛАРИ БЎЙИЧА ҲАФТАЛИК ДАЙЖЕСТ


Марказий банк таҳлилий дайжести | 2026 йил 10 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ


ЖАҲОН НАРХЛАРИ

СЎНГГИ ҲАФТАГА НИСБАТАН ЎЗГАРИШИ


2 ноябрь – 6 ноябрь



ЙИЛ БОШИГА НИСБАТАН ЎЗГАРИШИ



2026 ЙИЛ ЯКУНИГА ПРОГНОЗ (ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШИ)



Манба: *Tradingeconomics.com* веб-сайти |*мол гўшти тирик вазнда

САВДО ҲАМКОР ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭКСПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ

Давлат	Чеклов тури	Муддат
Қозоғистон	Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти	2027 йил 22 майгача
Қирғизистон	Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти	Муддатсиз
Россия	Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти	2027 йил 31 январгача
Қозоғистон	Йирик/майда шохли қорамол экспорти	2027 йил 5 майгача
Қирғизистон	Йирик/майда шохли чорва экспорти	2027 йил 9 мартгача
Россия	Кунгабоқар ёғи - сузувчи бож тизими	2028 йил 1 августгача

ҲАФТАЛИК НАРХ

▲ НАРХ ОШДИ | ▼ НАРХ ПАСАЙДИ

Биржа савдо якунлари бўйича

Нархлар ўзгариши	Ҳафталик	Йил бошидан	Йиллик		Ҳафталик	Йил бошидан	Йиллик
Суюлтирилган газ	+6,8%	+37,8%	+44,3%	Шулха	-16,8%	-8,9%	-22,5%
Техник чигит	+4,3%	-1,1%	-2,9%	Пахта ёғи	-6,9%	+5,7%	+15,6%
Этиль спирти	+2,8%	+6,0%	+7,6%	Цемент	-6,4%	-22,5%	-14,7%
Полиэтилен	+2,6%	+16,4%	+7,9%	Шрот	-5,3%	-15,7%	-9,1%
Пахта толаси	+2,1%	+7,7%	+3,0%	Поливинилхлорид	-2,0%	+30,7%	+3,0%

Марказий банкнинг ҳудудлардаги нарх кузатуви

Помидор	+30,1%	-21,7%	+4,3%	Товуқ гўшти	-2,6%	-9,6%	+1,7%
Пиёз	+23,9%	+58,2%	+59,0%	Сабзи	-2,4%	+35,2%	+17,0%
Бодринг	+7,5%	-48,8%	-21,1%	Лимон	-2,4%	-31,3%	-17,2%
Карам	+3,2%	-8,3%	+4,1%	Балиқ	-1,4%	-4,4%	-8,2%
Банан	+1,8%	-16,7%	+1,9%	Шакар	-0,8%	-0,7%	-5,3%

Марказий банкнинг улгуржи нархлар — "Food City" бозори кузатуви

Помидор	+59,9%	+15,2%	+82,0%	Лимон	-11,6%	-44,9%	-29,6%
Бодринг	+12,0%	-75,7%	+21,7%	Сабзи	-10,8%	-10,8%	+3,6%
Тухум	+10,7%	+19,2%	+14,8%	Олма	-10,3%	-20,0%	+2,3%
Пиёз	+10,3%	+114,3%	+150,0%	Товуқ гўшти	-7,8%	-13,3%	-2,7%
Банан	+5,4%	-18,8%	+5,4%	Картошка	0,4%	-10,3%	+26,0%

Улгуржи нархлар ўзгариши таҳлили

- Лимон, сабзи, олма — маҳаллий янги ҳосил ҳисобига таклиф ҳажми ортган
- Товуқ гўшти — муқобил маҳсулотлар таклифи ортгани сабабли аҳоли талаб пасайган

- Помидор, бодринг — ҳаво ҳароратининг пасайиши натижасида иссиқхона етиштириш харажатлари ортган
- Тухум — қўшни давлатларга экспорт қилинаётгани ва аҳоли талабининг ортиши

ҲАФТАЛИК ЯНГИЛИКЛАР

9 ноябрь — ҲАМКОРЛАР

Қозоғистон буғдойи қимматлашди, темир йўл тарифи ошиши кутилмоқда

Сариоғоч чегарасида 3-синф буғдойнинг тоннаси бир ҳафтада **$2 га ошиб, $270** ни ташкил этди. **1 декабрдан** темир йўл тарифи **8,3%** га оширилади. Бу эса буғдой ташиш харажатини тоннасига қарийб **$2** га **қимматлаштиради**.

6 ноябрь — ҲАМКОРЛАР

Қозоғистон ёқилғи экспортига тақиқни яна олти ойга узайтирди

2026 йил 22 ноябрдан **2027 йил 22 майгача** бензин, дизел ва айрим нефть маҳсулотларини автомобиль ва темир йўл транспортида олиб чиқиш **тақиқланади**. Олдинги тақиқ 21 майдан 21 ноябргача амал киритилган эди.

9 ноябрь — ҲАМКОРЛАР

Қозоғистон чорва экспортига тақиқни яна олти ойга узайтирди

Ушбу тақиқ **9 ноябрдан** олти ойга амал қилади ва **ЕОИИ давлатларига** ҳам тааллуқли ҳисобланади. Ундан олдин **5 ноябрдан** зотли йирик майда шохли қорамол экспортига ҳам **олти ойлик тақиқ** киритилган.

6 ноябрь — ЖАҲОН

ФАО шакар индекси 2024 йил декабридан бери энг юқори даражага чиқди

Шакар нархлари индекси октябрда **6,6%** га ошиб, **кетма-кет тўртинчи ой** ўсди *(ўтган йилдан 28,8% юқори)*. Бунга Бразилиядаги **ёмғирлар** ҳамда Ҳиндистон, Европа ва Таиландда **2026/27 йил мавсуми** ҳосилидан кутилаётган хатарлар сабаб бўлди.

УМУМЛАШТИРИЛГАН ХУЛОСА

ТАШҚИ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ

- Сўнгги ҳафтада жаҳон бозорида нефть, бензин, мол гўшти ва шакар нархлари сезиларли, буғдой ва кунгабоқар ёғи нархлари бироз пасайди.

ИЧКИ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ

- Биржада суюлтирилган газ, техник чигит, этиль спирти, полиэтилен ва пахта толаси нархлари ошган бўлса, пахта чигити шулхаси, пахта ёғи, цемент, шрот ва поливинилхлорид нархлари пасайди.
- **Ҳудудларда** помидор, пиёз, бодринг, карам ва банан нархларида ўсиш, товуқ гўшти, сабзи, лимон, балиқ ва шакар нархларида эса пасайиш кузатилди.
- Жорий ҳафтада **улгуржи бозорда** помидор, бодринг, тухум, пиёз, банан ва картошка нархлари ошди. Лимон, сабзи, олма ва товуқ гўшти нархларида пасайиш кузатилди.

⚠ ХАТАРЛАР ВА КУТИЛМАЛАР

- Қозоғистонда **буғдой экспорт нархининг** ва **темир йўл тарифларининг ошиши** импорт **буғдой ва ун** нархларига **қўшимча босим юзага келтириши мумкин**.
- Қозоғистоннинг **ёқилғи экспортига тақиқни узайтириши** минтақада ёнилғи таклифини чеклаб, ички бозорда **ёнилғи** нархларига **оширувчи босимни сақлаб қолиши мумкин**.
- Қозоғистоннинг **бузоқлар ва наслли чорва экспортига тақиқни узайтириши** минтақада чорва таклифини чеклаб, ички бозорда **мол гўшти** нархларига **оширувчи босимни сақлаб қолиши мумкин**.
- Асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатларда **ҳосил йиғимидаги қийинчиликлар** фонида жаҳон бозорида шакар нархларининг ўсишда давом этиши импорт **шакар** нархларида ҳам **оширувчи акс этиши кутилмоқда**.